

Дунёнинг маҳбуби (биринчи мақола)



16:30 / 25.10.2021 2477

Устозимиз Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ никоҳ хусусидаги суҳбатларида ушбу гапни кўп айтардилар: «Бугунги ҳаётимизга назар солсак, оилаларимизда нима яхшилик бўлса, бахтсаодат бўлса, унинг динимиз шарофатидан эканини, нима ноқулайлик, қандай нохушлик бўлса, динга амал қилмаганимиз сабабидан эканини кўрамиз. Ҳозирда мусулмонлар ҳар қачонгидан ҳам ўз динларидан узоқлашган бўлишларига қарамай, бошқаларга таққосланса, оила масаласида энг намунали халқ бўлиб турибдилар».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оилавий ҳаётларини ўрганар эканмиз, у зотнинг чин пайғамбар эканликларига яна бир бор гувоҳ бўламиз. Бу борада ҳам у зотдан устун ва намуна олишга ҳақли инсон йўқлигига амин бўламиз. У зотнинг қанчалар забардаст, ўткир, дунёни

титратган оламшумул шахс бўлиш билан бирга, ҳалим, меҳрибон, шафқатли ва кечиримли бўлганлари, айниқса, нозик хилқат – аёлларга нисбатан ўта мулойим бўлганларини кўриб, бу буюк шахсият қаршисида тиз чўкамиз. Шу билан бирга, бугунги мусулмонларнинг оилавий ҳаётлари суннатдан қанчалар олислаб кетганини фаҳмлаб, бироз маҳзун тортамыз. Бугун инсоният бу қутлуғ оиладан намуна олишган қанчалар муҳтожлигини бутун вужудимиз билан ҳис этамыз.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оилавий тутумлари ҳақида сўзлар эканмыз, у зотнинг ушбу мавзуга доир ҳадислари, қарашлари билан ҳам қисқача танишиб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади, албатта.

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларни хушбўйликдек ёқимли дея таърифлаганлар.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Дунёдан менга аёллар ва хушбўйлик маҳбуб кўрсатилди ва кўзимнинг қувончи намозда қилинди», дедилар» (Аҳмад ривояти).

Бутун дунёда аёллар одам ўрнида кўрилмай, ҳар тарафлама таҳқирланиб турган бир пайтда аёлларни хушбўйлик каби ёқимли дея эътироф этиш аёл зоти ҳақидаги жоҳилий тасаввур ва тасарруфларга қақшатқич зарба эди.

2. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларнинг хусусиятларини, имкониятларини инобатга олишни уқтирар ва бу ҳол уларнинг яратилишларидаги табиатлари эканини таъкидлар эдилар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Аёлларга (яхши) муомала қилинглари, чунки улар қовурғадан яратилган. Қовурғанинг энг эгри жойи унинг юқорисидир. Уни тўғрилашга уринсанг, синдириб қўясан, агар ташлаб қўйсанг, эгрилигича қолаверади. Аёлларга (яхши) муомала қилинглари!» (Бухорий ривояти).

Таржимада «муомала қилинглари» деб ўгирилган сўз араб тилида жуда кенг маънода қўлланади. Бу сўз «бир-бирингизни шунга буюринглари», «ўзаро насиҳат қилинглари», «ушбу васиятимни қабул қилиб, унга амал қилинглари» деган мазмунларни ҳам ўз ичига олади.

«Аёл қовурғадан яратилган», деганда Ҳавво онамизнинг Одам алайҳиссаломнинг қовурғасидан яратилгани назарда тутилган. «Қовурғанинг энг қийшиқ жойи унинг юқорисидир», дейилганда аёлнинг эркакдан ақлу тафаккурда, ҳис-туйғуларда фарқли эканига ишора қилинган. «Уни тўғрилашга уринсанг, синдириб қўясан», дегани «Ундан табиатига зид нарсани талаб қилсанг, Аллоҳ берган хусусиятларини ўзгартиришга уринсанг, ундан айрилиб қоласан, ажрашишингга тўғри келади», деганидир. Чунки жамиятдаги вазифасини бажариши учун аёлга ўша табиат керак. Бир сўз билан айтганда, у шуниси билан аёл. Бироқ бу кўрсатма аёлликка хос бўлган хусусиятларгагина тегишли. Аммо аёлда меъёрдан ташқари хатти-ҳаракатлар, одобсизлик, шариат чегараларидан ташқари ҳолатлар кузатилса, у ҳолда уни мулойимлик билан тўғрилаш керак бўлади. Шу боис ҳадисда «агар ташлаб қўйсанг, қийшиқлигича қолаверади», дейиш билан бунда ҳам меъёр бўлиши кераклиги, ҳар қандай ишни аёлликка тўнкаб, ўзни оқлаш тўғри эмаслиги уқтирилмоқда.

Демак, бу ҳадис айримлар ўйлагандек, аёлларни камситиш учун эмас, балки уларни ҳимоя қилиш, бор ҳолатларини тушунтириш, улардан камчилик ўтганда ҳам эҳтиёткорлик билан ислоҳ қилиш кераклигини, уларга нисбатан кечиримли бўлиш лозимлигини таъкидлаш учун айтилган. Шунинг учун ҳам ҳадис аёлларга яхши муносабатда бўлишга буюриш билан бошланган ва якунланган. Бу ҳадис эркакларга насиҳат мазмунида айтилган ва аёллик табиатини тамсил орқали тушунтирган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳамиша аёлларнинг ҳақларини эслатиб турганлар, уларга гўзал муомала бўлишни буюрганлар, хусусан, ҳаётларининг сўнгги ойларида, Видолашув ҳажидида қилган машҳур хутбаларида ҳам энг муҳим масалалар қаторида аёлларнинг ҳуқуқлари, эҳтиромлари хусусида алоҳида тўхталиб ўтган эдилар.

3. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аҳли оилага гўзал муомалада бўлиш кишининг иймонини намоён этадиган, инсонийлигини кўрсатадиган мезон дея уқтирардилар.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилади: «Мўминларнинг иймони энг баркамоли – хулқи гўзалроғи ва аҳлига мулойимроғидир», дедилар» (*Термизий ривояти*).

Имом Бухорий ва бошқа муҳаддислар ўзларининг саҳиҳ ҳадисларни жамлаган тўпламларида Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизларнинг

яхшиларингиз ўз аҳлига яхшиларингиздир. Мен ўз аҳли энг яхши бўлган кишингизман», дедилар».

Қаранг, қандай ҳам ажойиб ўлчов. Кишининг нақадар яхшилиги унинг ўз аҳли оиласига бўлган муносабатида намоён бўлади, демоқдалар. Демак, набавий мезонга кўра, ошноағайниси, ҳамкасблари, раҳбархўжайинлари билан ёки қариндошуруғи, маҳаллакўйи билан ёхуд отаонаси билан яхши муносабатда бўлишнинг ўзи билан киши энг яхши инсон бўла олмас экан, балки ўз аҳлига яхши бўлган киши одамларнинг энг яхшиси ҳисобланар экан. Бу сўзда жуда катта воқеий ҳақиқат ўз ифодасини топган.

(Давоми бор)

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид
«Ҳилол» журналининг 10 (31) сонидан